

БЕШ МУХИМ ТАШАББУС

ИЖРОСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛIGИ НАЗОРАТИДА



BOLALAR SPORTI

MADANIY-MA'RIFIY AXBOROT GAZETASI

e-mail: bolalarsportiuz@umail.uz

25 (212)-СОН 03.08.2021 йил, сешанба.
Баҳоси келишилган нархда

«5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС»НИНГ
ИККИНЧИ ЙУНАЛИШИ ёшларни
жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт
соҳасидаги қобилиятларини намоён
этишлари учун зарур шароитлар яратишга
йўналтирилган.



2-бет **БЕШ ЙИЛДА
НИМАЛАРГА УЛГУРДИК?**

САМАРКАНДДА

4-бет **ЙИЛ ОХИРИГАЧА БОЛАЖОНЛАР ҚАМРОВИ 80 ФОИЗГА ЕТАДИ**

3-бет **БЎЛҒУСИ ПОЛВОНЛАР
МАСКАНИ**

БУХОРОНИНГ

6-бет **ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИЛАРИ
КИМЛАР?**



**РИМГА БОРИШНИ
ИСТАЙСИЗМИ?
УНДА «ЭЛДОР
ШОМУРОДОВ»
НОМИДАГИ
ТАНЛОВДА
ИШТИРОК ЭТИНГ**

8-бет

**САЛОМАТЛИК –
ЭНГ КАТТА БОЙЛИК**

5-бет

**ЁЗГИ ОРОМГОҲ БОЛАЛАР
БИЛАН ГАВЖУМ**

7-бет

«Bolalar sporti» газетасига обуна бўлинг ва фарзандингизнинг муваффақиятларини кузатиб боринг!



2181-8371

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

Беш йиллик ҳисобот тингланди

**Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим
вазирлиги ташкил этган
матбуот анжуманида
мактабгача таълим
вазирининг ўринбосари
Узоқбой Бегимқуловнинг
беш йил мобайнида соҳада
амалга оширилаётган ишлар
тўғрисидаги ҳисоботи
эшитилди. Қолаверса,
вазирликнинг яқин
келажакдаги истиқболли
режалари тўғрисида
маълумотлар тақдим этилди.
Анжуманда Олий Мажлис
Сенати аъзоси М.Салимова
сўзга чиқиб, бугунги кунда
мамлакатимизда таълим, шу
жумладан, мактабгача таълим**

тизимида олиб борилаётган
саъй-ҳаракатларга эътиборни
қаратди. Шунингдек,
у мактабгача таълим
ташкилотларида қамров
сонини ошириш, таълим
сифатини янада яхшилаш,
малакали мутахассисларни
тайёрлаш ҳамда болажонлар
учун зарур шарт-шароитларни
яратиш каби масалаларга доир
таклифларини билдириди.
Тадбирда Жиззах, Наманган,
Қашқадарё, Самарқанд
ва Тошкент вилоятлари
мактабгача таълим бўлимлари
раҳбарларининг ҳисоботлари
ҳам эшитилди.

ЎЗА



Бухоро шаҳрида қамров 99 фоизга етказилди



**Бухоро шаҳрида
фаолият олиб бораётган
Мактабгача таълим
ташкилотлари сони
бугун жами 106 тага етган
бўлиб, шундан 75 таси
давлат, 15 таси нодавлат,
6 таси оиласий ва 10
таси давлат-хусусий
шерикчилик асосидаги
муассасалардир.
Мактабгача таълим
ташкилоти сони 2017-
2021 йилларда 24 тага
кўпайиб, бунда дастлабки
йил ўсиш суръати атиги
35 фоизни ташкил этган
бўлса, бугунга келиб
бу қамров деярли 99
фоизга етказилган.
Аникроғи, 3-7 ёшгача
бўлган болаларнинг
17 минг 676 нафари
боғчага қатнамоқда. Бу
кўрсаткич 2017 йилга
нисбатан 21,4 фоизга (13
минг 390 нафар қамраб
олинган) оширилган. Бу
борада ишлар давом
эттирилмоқда.
Ўзбекистон Республикаси**

**Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 9 мартағи
«Болаларни бошлангич
таълимга мажбурий
бир йиллик тайёрлаш
тизимини янада
ривожлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги
қарори ижросини
таъминлаш мақсадида
шаҳардаги 7 та мактабгача
таълим ташкилотида жами
8 та мажбурий, белуп,
бир йиллик тайёрлов
гурухлари ташкил этилган
бўлиб, уларда МТТга
қамраб олинмаган 342
нафар болани мактабга
тайёрлаш учун қисқа
муддатли белуп таълим
бериб борилди. Шу йўл
билан шаҳардаги жами 4
минг 159 нафар 6 ёшли
бона мактаб таълимiga
тайёрланди.
Давлат раҳбари
томонидан 2018 йилдан
бошлаб мактабгача
таълим йўналишида
хусусий секторларнинг
кириб келишига катта**

**имконият яратиб берилди.
Давлат томонидан
ажратилган 31 миллиард
сўмлик имтиёзли кредит
эвазига шаҳарда 1
минг 450 қувватга эга
бўлган 10 та давлат
ва хусусий шериклик
асосида мактабгача
таълим ташкилоти ўз
фаолиятини бошлади.
Жорий йил якунига қадар
250 қувватга эга яна 2 та
давлат хусусий шериклик
асосидаги МТТнинг иш
бошлаши кўзда тутилган.
Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 30 июлдаги
«Оиласий нодавлат
мактабгача таълим
ташкилотлари ҳамда
Оиласий нодавлат
мактабгача таълим
ташкилотлари фаолияти
бўйича рухсатнома
бериш тартиби тўғрисида
низомларни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорига
асосан, бугунги кунда
шаҳарда 6 та оиласий
нодавлат МТТ фаолияти**

**йўлга кўйилган. Уларда
150 нафар мактабгача
ёшдаги жажжи ўғил-
қиз тарбияланмоқда.
Шу билан бирга, вилоят
марказида 15 та хусусий
нодавлат МТТда 910
нафар мактабгача ёшдаги
бона таълим-тарбия
олмоқда.
Сўнгги беш йилликда
мактабгача таълим
ташкилотларини қурилиш
таъмирлаш ишларига
ҳам катта эътибор
қаратилмоқда. 2018-2021
йиллар мобайнида «Обод
маҳалла», инвестиция
давлат дастурлари
доирасида 22 та давлат
МТТда қурилиш-таъмирлаш
ишлари амалга оширилган
бўлиб, бу ишларга
Республика ва маҳаллий
бюджетдан 67,4 миллиард
сўм маблағ ажратилган.
Жорий йил июнь ойида
«Истиқлол» МФЙда
385 ўринли янги
давлат мактабгача
таълим ташкилоти**

**курилиб, фойдаланишга
топширилди. Жорий
йилнинг сентябрь ойида
Собир Раҳимов МФЙдаги
«Лукоил Оперейтинг
Ўзбекистан» корхонаси
томонидан ҳомийлик
асосида 1,5 миллион
АҚШ доллари эвазига
қурилаётган 250 ўрини
замонавий болалар
боғчаси фойдаланишга
топширилади.
Айни кунда Бухоро шаҳар
мактабгача таълим
ташкилотларида жами
1 минг 679 нафар педагог
фаолият кўрсатмоқда.
Улардан 728 нафари
олий маълумотли. 2018
йилга нисбатан олий
маълумотли (156 нафар
бўлган) педагог кадрлар
сони 572 нафарга ёки 78
фоизга ошган. Шунингдек,
соҳада ишлаётган 187
нафар педагог-ходим олий
ўқув юртларида таҳсил
олмоқда.**

Зариф КОМИЛОВ, ЎЗА

БЎЛАЖАК СПОРТЧИЛАР



ТОКИО-2020: Оғир атлетика бўйича Токио-2020 Олимпия ўйинларида -76 кг вазн тоифасида иштирок этган Файзуллаева даст кўтаришида 101 кг, силтаб кўтаришида 126 кг, умумий ҳисобда эса 227 кг натижага қайд этди. Ҳамюртимиз бу билан Олимпиадани олтинчи погонада якунлади.

БЎЛГУСИ ПОЛВОНЛАР МАСКАНИ



Зулфия АБДУХАЛИЛОВА,
Мингбулоқ туманидаги
3-сонли мактабгача
таълим ташкилоти
директори

Туманимиз Марказий Фарғона чўллари ўринда яшнаб бораётган худудлардан ҳисобланиб, бу ерда маънавий-маърифий, иқтисодий-иккимойи соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилияпти. Хусусан, мактабгача таълим йўналишидаги ислоҳотлар натижаси улароқ, болажонларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи ошиб боряпти.

Ҳар бир болажон, у хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин 3-6 ёшида бийрон сўзлайдиган, ҳамма нарсага қизиқадиган, серсавол ва маҳмадона бўлади. Айни шу пайтда унинг хотираси ҳам булоқ каби кўз очади ҳамда барча ўзлаштирган маълумотларни умрбод сақлаб қола олади. Шунинг учун ҳам улуғларимиз ёшлиқдан олинган билимни тошга ўйилган битик, дея таъкидлайдилар.

Бизнинг Мингбулоқ Мактабгача таълим бўлимига қарашли 3-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотимиз туман марказида жойлашган бўлиб, унда 170 нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олишмоқда. Уларга муассасасамиизда меҳнат қилаётган Фарида Мирзаҳмедова, Зарифа Муҳиддинова, Шахноза Муродова каби тажрибали тарбиячиларни ўз сафиға бириттирган устозлар жамоаси ҳар томонламағамхўрлик кўрсатишяпти.

Маълумки, тарбия тако-



милида, аввало, болажонларнинг саломатлиги асосий ўринда туради. Шу боис, биз ҳар бир кунни тонги бадантарбия, соғломлаштириш тадбирлари билан бошлаймиз. Унда нафақат тарбияланувчиларимиз, балки тарбиячи-устозлар ҳам фаол қатнашади. Шундан сўнг турли тадбирлар, фан ва спорт тўғракларига навбат берилади. Хусусан, ҳозирда ташкилотимизда хорижий тилларни ўргатиш, рақс санъати сингари тўғраклар билан бирга спорт йўналишидаги машғулотларга ҳам кенг ўрин берилган.

— Очиғи, мазкур ташкилотдаги спорт тўғракларининг сони фан тўғракларидан кўпроқ, — дейди ҳамкасбимиз тўман мактабгача таълим бўйими маънавий-маърифий ишлар ва давлат тилида иш юритиш бўйича бош

мутахассиси Азаматжон Шарафуддинов. — Негаки, бугун болажонлар орасида шахмат, шашка, миллий кураш, шарқяккаураши, ўзбек жанг санъати ва бадиий гимнастикага қизиқувчилар кўплаб топилади. Айнан ана шу ўғил-қизларимиз мазкур тўғракларнинг фаол қатнашчилари ҳам ҳисобланади. Хусусан, бадиий гимнастикачи қизларимиз ҳамда таэквондочи ўғил болаларимиз ўзларининг турли кўргазмали чиқишлиари билан туман миқёсида ўтадиган маънавий-маърифий тадбирларга ўзгача файз баҳш этаётпти. Уларнинг спорта бўлган муҳаббатини кўриб, бу ерда бўлгуси чемпионлар камол топаётгандигидан нишон, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, ташкилотимизда ҳам спорт тўғракларининг фаолияти

алоҳида эътиборда. Бу ишга масъул, таэквондо бўйича мамлакат миқёсида қатор ижобий натижаларга эришган спорт устаси Шоҳжаҳон Болтаев болажонлар учун ажратилган фурсатнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланмоқда. Шу боис, уни тарбияланувчилар ҳар куни интиқлик билан кутишади, машғулотлардаги ўғитларини дикқат билан тинглашади, спортнинг сирли оламига доир маълумотларни қунт билан ўзлаштиради. Буларнинг барчаси айни дамда ташкилотимизда тарбиялананаётган буғунги жажжи полвонлар – эртага юрт довруғини оламга таратадиган чемпионлар камол топаётгандигидан нишон, Зеро, жамоадаги устоз-мураббийларнинг бош мақсади ҳам шундай эзгу натижага йўналтирилган.

Футзал

Ўзбекистон терма жамоасида ўсиш қайд этилдими?

Ўзбекистон футзал термасининг Таиланд мамлакатида ташкил этилган халқаро турнирда иштирок этаётгандиги, натижалар ҳам кўнгилдагидек бўлаётгандиги ҳақида ёзган эдик.

Баҳодир Аҳмедов устозлигидаги терма жамоамиз 25 июлдан 30 июлга қадар Таиландда ўюнтирилган ўзига хос халқаро турнирнинг “А” гурӯҳида Косова ва Мозамбек термаларини йирик ҳисобларда енгид, майдон эгаларига битта тўп фарқи билан маглуб бўлган эди. Гуруҳдаги иккинчи ўрин мусобақанинг ярим финалига йўлланма берди. Футзал-

чилаrimiz финал йўлида қитъанинг энг кучли жамоаси – эронликлар билан курашди. Эътиборли жиҳати ўйинда ҳисобни очиш бизниkilар томонидан бажарилди – тўпга Акбар Усмонов муаллифлик қилди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас эронликлар ҳисобни тенглashedи. 4 дақиқа ўтиб эса Ихтиёр Ропиев жамоадошларини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шу тариқа ўйиндаги ҳисоблар бир неча бор ўзгарди. Якунда эса қитъанинг етакчилари 7:5 ҳисобида ғалаба қозонишиди. Жаҳон чемпионатининг бир неча бор иштирокчisi, Осиё

чемпионатининг энг кўп чемпиони Эронга қарши тенгма-тенг курашиш, уларнинг дарвозасини беш бор нишонга олиш – шу пайтгача ҳали амалга ошмаган иш эди.

Учинчи ўрин учун кечган баҳсада вакилларимиз мисрлик рақибларига қарши майдонга тушишди ва йирик – 4:0 ҳисобида ғалаба қозониб, турнирнинг бронза медалини қўлга киритишиди.

Ҳал қилувчи финалда эса эронликлар майдон эгаларини 5:1 ҳисобида енгид, мусобақа ғолибиға айланишиди.



ЎзА

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

САМАРҚАНДА

ЙИЛ ОХИРИГАЧА БОЛАЖОНЛАР ҚАМРОВИ 80 ФОИЗГА ЕТАДИ

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва нодавлат, хусусий оиласий боғчалар сони ҳам ортиб бораётгани МТТларга болалар қамровининг ортишига ва кўплаб иш ўринларининг яратилишига ҳам туртки бўляпти.

Самарқанд вилоятида йил охирига 80 фоиз боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш кўзда тутилганлигини инобатга олсан, вилоятда ёш авлодга бўлган эътибор самарали эканлигини англаймиз.

— Айни кунда вилоятдаги 337 минг 121 нафар боғча ёшидаги болаларнинг 215 минг 643 нафари, яъни 64 фоизи мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган, — дейди вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Зайниддин Жўраев. — Оддимиизда турган вазифа эса мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш орқали қамров кўрсаткичини оширишdir. Бу борада йил охирига қамровни 80 фоизга етказиш бўйича «Йўл ҳаритаси» тасдиқланган. Унга кўра, қуввати 50 ўринли оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил қилиш ҳамда ҳозирда мавжуд қуввати 25 ўринли оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари қувватини 50 ўринга ошириш истагидаги якка тартиbdаги тадбиркорлар билан битим тузилмоқда.

Шунга кўра, қамров даражаси паст бўлган Нуробод, Ургут ва Қўшработ туманларининг ҳар бир маҳалласи кесимида 144 та оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш чоралари ҳам кўриляпти.

Шу билан бирга, вилоятнинг олисвачекка ҳудудларирўйхатига киритилган 25 та маҳалла, яъни Каттақўрғоннинг Бунёдкор ва Жизмонсои, Қўшработнинг Тоз, Янги қишлоқ, Ўртасой, Жонбулоқ, Қўштамғали, Урганжи, Оқчопсой, Минишкор ва Богоюж кишлоқларида, Нурободнинг Тепақўл, Сарой, Сазогон, Омондара, Жом, Саҳоба, Жарқудук, Булоқбоши, Навбаҳор, Ағрон, Аработка ва Бунёдкор, Пахтанинг Чашма, Пайариқнинг Накурт маҳаллаларининг ҳар бир қишлоқларида оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида давлат МТТлари мавжуд бўлмаган маҳаллалар ҳудудидаги 16 та объектни реконструкция қилиш ишларига 64,4 миллиард сўм маблағ сарфланниши ҳисобидан қўшимча 1550 ўринли янги қувват яратилади.

Шундан 7 таси давлат боғчалари мавжуд бўлмаган МФИлар ҳудудида, қолган 9 таси мослаштирилган биноларни реконструкция қилиш ҳисобига ташкил этилади. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 196 та бўш гуруҳларни таъмирлаш ҳисобига 5845 нафар болани қабул қилиш имконияти юзага келади.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов раҳбарлигига 2021 йил 30 апрель куни ўтказилган видео-селектор йиғилишида мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг хизматини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилган эди. Ушбу масалани

вилоятнинг барча туманларида ҳам йўлга қўйиш, мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги мактабгача таълим ташкилоти директорлари, методист-тарбиячилари ҳамда мактабгача таълим бўлимлари методистлари билан «Қандай қилиб таълим сифатини яхшилаймиз?», «Таълим сифати ривожланишига тўсқинлик қилаётган иллатлар нималардан иборат?» мавзуларидаги давра сұхбатларида ўртага ташланган МТТлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва талаблардан келиб чиқиб, мактабгача таълим тизими педагог ходимлари учун вилоятда «Маҳорат мактаби» ташкил этилди.

Ушбу мактаб орқали МТТларда таълим сифатини ошириш, тажрибали педагогларни «Устозшогирд» анъанасига таяниб ёшларга бириклиши, янгича ёндашув асосида машғулотлар олиб бориш учун мастер-класслар ўтказиш кўзда тутилган. Шунга кўра, ҳар бир жонкуяр, ўз устида ишлайдиган педагог-ходимлар эса ҳар ойда ойлик устами билан тақдирланади.

Бундан ташқари, бошқа вилоятларнинг мактабгача таълим тизимида илғор тажрибасини ўрганиш ва уларнинг таълим-тарбия фаолияти билан танишиш мақсадида саёҳатлар ташкил этилмоқда. Мактабгача таълим ташкилотларида қўшимча пуллук хизматни йўлга қўйиш учун эса ота-оналар билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган.

[zarnews.uz](#)



Спорт олами

Икки дзюодчи Олимпиададан ҳайдалди

Грузия миллый олимпия қўмитасига асосланиб «Kyodo» агентлигининг хабар беришича, грузиялик икки нафар дзюодчи ковид-чекловларни бузгани учун Токио олимпиадасидан четлатилган.

Эпидемиологик протоколга амал қилмаган икки спортчининг номлари келтирилмаган. Фақат улар Япония пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун Олимпия қишлоғини тарқ этишгани маълум бўлган. Маҳаллий ОАВга кўра, гувоҳлар Грузия терма жамоасининг

кумуш медалли икки спортчисини Токио минорасида кўришган, бу Олимпиадада коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун жорий этилган чеклов талабларини бузиш саналади. Маълумот учун, Грузия терма жамоаси шу пайтгача Токио олимпиадасида тўртта медални қўлга киритди. Лаша Бекаури олтин, Важа Маргвелашвили, Лаша Шавдаташвили ва Гурам Тушишвили кумуш медалларни айнан дзюдо йўналишида қўлга киритган.



Тавсия

Фарзандингизни эътиборсиз қолдирманг!

Ҳозирги кунда ишлайдиган ота-оналарнинг асосий муаммоси – бу вақт етишмаслиги. Ҳам иш, ҳам уй ишларига улгуриш, ҳам болаларни тарбиялаш жуда қийин. Бола билан ўтказиладиган вақт сони эмас, балки унинг сифати муҳимдир! Иш кунларида атиги ярим соат бўш вақтингиз бўлса ҳам уни фарзандингизга тўлиқ бағишланг, ҷалғимасликка ҳаракат қилинг. Ушбу қисқа вақтни телевизорда мультфильмни ёки фойдали дастурни биргаликда кўриш, экранда содир бўлаётган воқеалар ҳақида фарзандингиз билан сұхбатлашиш ва унинг фикрини тинглаш билан ўтказишингиз мумкин. Ўйдаги вақтингизни кўпроқ фарзандингиз билан ўтказинг, у учун муҳим воқеаларни, унинг истаклари ва орзуларини муҳокама қилинг.



ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

ТОКИО-2020: Мухтасар Тоҳирова Токиодаги Олимпиада ўйинларида қатнашиши учун иккита лицензияни қўлга киритган эди. Эндиғина 21 ёшга кирган спортчи қизимиз 10 метрли пневматик милтиқдан ўқ отиш ва 50 метрдан 3 йўналишида ўқ отиш беллашувларида қатнашиди. Спортчимиз Олимпиада ўйинларида 100 та давлат вакиллари орасида 1155 очко тўплаб 30-ўринни эгаллади. Олимпиада ўйинларида бу фахрланса арзийдиган натижка ҳисобланади. Келажакда Мухтасардан олтин медаллар кутуб қоламиз.

САЛОМАТЛИК - ЭНГ КАТТА БОЙЛИК



Хуршидахон ОМОНОВА,
Бўстон туманидаги 7-сонли
мактабгача таълим
ташкилоти директори

Инсон ўз фарзандини кўз қувончи, наслининг давомчиси, ҳаётининг мазмуни деб билади. Шунинг учун ҳам борлиқнинг жами неъматлари, инъоми ва марҳаматини уларга илинади. Дилбандини соғлом ва дуркун ўсиши, баҳтиёр ҳамда шодумон бўлишига интилади, бунинг учун барча шароитларни муҳайё қиласди. Бугун мактабгача таълим муассасалари бу борада ота-оналарнинг ҳақиқий суюнчиға айланган.

Бизнинг 7-мактабгача таълим ташкилотимиз Бўстон туманидаги Кўхинур маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган. Унда қишлоқ аҳолисининг 150 нафар фарзанди тарбияланади. Бири-биридан ширин ушбу болажонларга жамоада меҳнат қилаётган етти нафар меҳрибон тарбиячи ҳамда уларнинг ёрдамчилари ғамхўрлик кўрсатади, билим беради.

Тарбиячиларимиз болажонларга бошланғич билим бериш жараёнида турли фанлар қатори спорт тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратишяпти. Чунки, ёш авлодни соғ ва жисмонан кучли қилиб тарбиялаш мураккаб, узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда бола-

жонларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига бўлган қизиқишини оиласи билан ҳамкорликда шакллантириш, кучайтириб бориш талаб этилади. Бу борадаги натижаларни мустаҳкамлаб бориш эса мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, спорт йўриқчisinинг вазифасидир.

Шу боис, ташкилотимизда фоалият олиб бораётган Дилноза Мамажонова, Дилноза Каримова, Кумушой Маҳмудова ҳамда Ойноза Комилова каби тажрибали мутахассисларимиз бу борада муассасамизнинг спорт йўриқчisi билан узвий ҳамкорликда ишлайди.

Жамоамиз аъзолари ташкилотдаги машғулотларни ташкил этишда Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича «Беш муҳим ташаббус»да белгилаб берилган йўналишларни дастуриламал қилиб олган. Хусусан, фан тўғаракларида болажонларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишини ошириш, истедодини юзага чиқаришга аҳамият қаратиляпти. Тарбияланувчиларнинг спорт-соғломлаштириш

тадбирларига жалб қилиш эса бевосита ташаббуснинг иккинчи йўналиши – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш бўйича олиб бориляпти.

– Спорт тўғаракларидағи машғулотлар ҳар доим қизиқарли ўтади, – дейди ташкилот спорт йўриқчisi Нозигул Ҳусанова. – Чунки, бир-биридан мазмунли беллашувлар, мусобақалар, эстафета ўйинлари тарбияланувчилар учун доимий қизиқарли жараён саналади. Шу боис, ташкилотимизда вақти-вақти билан «Ким эпчилу-ким чақон?», «Софломжон-полвонжон», «Алпомиш издошлари» сингари қатор спорт мусобақалари ўтказиб борилади. Аҳамиятли жиҳати шуки, бундай тадбирларда тарбияланувчиларнинг ота-оналари ҳам ҳозир бўлиши фарзандларига ўзгача шукух баҳш этади.

Дарҳақиқат, спортга бўлган қизиқиши барча ёшдаги юртдошларимиз учун фақатгина ижобий натижага хизмат қиласди. Уни болалар боғасидан шаклланиши эса ҳақиқий маънодаги соғлом келажак камолотининг бosh омили бўлиб хизмат қиласди.

«BOLALAR SPORTI» МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АҲБОРОТ ГАЗЕТАСИ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ СПОРТЧИ БОҒЧАСИ»

танловини
эълон қиласди.

Шунингдек, таҳририят ёш спортчи юлдузларни кашф этиш мақсадида «МАЙДОНДА МИТТИ ПОЛВОНЖОН» ва «БАРЧИНОЙ»лар Республика расмли мақолалар конкурсини ҳам эълон қиласди. Азиз ота-оналар! Бобо ва бувилар! Конкурсда қатнашиш учун фарзандингиз ёки набираларингиз ҳақидаги маълумот ва расмларни bolalarsporti@bk.ru электрон почтасига ёки 97 755-10-11 телеграм рақамига юборишингизни сўраймиз!



Унда энг кўп спорт тадбирлари ўтиазган ва энг кўп ёш иқтидорларни кашф этган мактабгача таълим ташкилотлари голиб, деб топилиб, 1-ўринга «Болалар спорти» газетасининг 10 миллион сўмлик спорт жиҳозлари, 2-ўринни эгаллаган МТТга 7 миллион сўмлик ҳамда 3-ўрин голибига 5 миллион сўмлик спорт инвентарлари топширилди. Бундан ташқари, 100 та МТТга рагбатлантирувчи мукофотлар берилади. Ушбу танлов голибларини аниқлашда Мактабгача таълим вазирлиги мутасаддилари бизга амалий ёрдам кўрсатадилар, деган умиддамиз.

ФИДОЙИЛАР

БУХОРОНИНГ

Бухоро вилояти мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган тарбиячи-педагоглар ўртасида «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» касбий кўрик-танлови ўтказилиди.

Тизимда фаолият юритаётган тажрибали тарбиячиларни қўллаб-кувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида танлонинг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилиб, унда 1380 нафар тарбиячи-педагог иштирок этди. Танлонинг вилоят босқичида эса 56 нафар тарбиячи-педагог ўзаро куч синашиди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур касбий кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад – юқори малакали тарбиячиларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг педагогик маҳорати ва ижодий фаолиятини ривожлантириш, илғор тажрибаларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятининг нуғузини янада оширишdir. Бу эса ўз ўрнида тарбиячиларнинг касбий фаолиятида соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиб, келгуси фаолиятига ҳам ёрдам беради. Унда 3 йилдан кам

бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари иштирок этади.

«Касбий маҳорат, ижодкорлик, инновация» шиори остида бўлиб ўтган танловда иштирокчилар 5 та шарт бўйича беллашди.

Натижаларга кўра, «Энг яхши методист тарбиячи» номинацияси бўйича I дараҷали диплом Шофиркон тумани 26-MTT тарбиячиси Ойхон Жабборовага насиб этди. Шунингдек, «Энг яхши ижодкор тарбиячи» номинацияси бўйича Фиждувон тумани 16-MTT тарбиячиси Ситора Ўроқова, «Инновация ва ахборот технологияларини қўлладиган энг яхши тарбиячи» номинацияси бўйича Вобкент тумани 10-MTT тарбиячиси Барчиной Бойсариева, «Моҳир қўллар устаси» номинациясида Фиждувон тумани 11-MTT тарбиячиси Зулфизар Аҳтамова, «Энг яхши ғоя муаллифи» – Ромитан тумани 3-MTT тарбиячиси Шоҳида Шавкатовалар ҳам I дараҷали диплом билан тақдирланди.

Танлов иштирокчилари ва галиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИЛАРИ КИМЛАР?



Ушбу танлоннинг Республика босқичида совриндор бўлган тарбиячилар Олий таълим муассасаларининг «Мактабгача таълим» йўналишига тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларисиз

давлат гранти асосида ўқишга кириш имтиёзига эга бўлади.

**Бухоро вилояти Мактабгача таълим бошқармаси
Ахборот хизмати**

Моҳир мерғанлар баҳси



Андижон вилояти Марҳамат туманида пневматик милтиқдан ўқотиш бўйича вилоят ҳокими кубоги учун мусобақа бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш мақсадида Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Андижон вилояти кенгаши, ташкилотнинг техник ва амалий турлар маркази томонидан “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув мактабларида имтиёзли равишда ҳайдовчилик курсларида таҳсил олаётган, “Ёшлар дафтари”да турувчи ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада туман ва

шаҳар жамоалари иштирок этди.

Қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги вилоят ҳокими кубоги учун мусобақа қизиқарли баҳслар ва кескин курашларга бой бўлди. Ёш мерғанлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, галиблик учун баҳс олиб борди.

Якуний натижаларга кўра, Марҳамат тумани вакили Алишер Усмоалиев ўғил болалар ўртасида биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, қизлар ўртасида Асака тумани вакиласи Мухлиса Жўраева барча рақибалиридан юқори балл жамғарib, мусобақа ғолибига айланди.

Галиблар “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан ўтказиладиган республика мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Голиб ва совриндорлар тегишли гувоҳнома ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ЎЗА



Ҳакамларнинг «Фалати» қарори

Хабар берганимиздек, 30 июль куни кечки пайт Украина нинг Львов шаҳридаги “Малевич” санъат саройида WBO Oriental камари учун ярим ўрта вазнда (63,5кг) украиналик Арам Фаниян ва ҳамюртимиз Мухаммадсалим Сотволдиев ўртасида профессионал бокс мусобақаси ўтказилди.

10 раундга мўлжалланган жанг давомида ҳамюртимиз деярли барча раундларни катта устунлик билан ўтказди. Мазкур учрашув Украина даги бир қатор ТВ каналлари ва сайтлари орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Мусобақани бевосита шарҳлаб борган украиналик спорт шарҳловчилари ўзбек боксчисининг яқин ва ўрта масофадан йўллаётган зарбалари аниқ бўлаётганлигини, жанг 12 раунд этиб белгиланган

тақдирда Арам рингдан оёғи билан юриб чиқолмаслиги ни такрор-такрор айтишиди.

Бироқ учрашувни бошқариб бораётган украиналик профессионал бокс ҳакамлари жанг якунда “мағлубиятга учраб туриб ҳам ғолиб бўлиш мумкин” лигини кўрсатишиди ва ҳисобни 100:89, 99:90, 99:90, дея ҳамюрлари фойдасига эълон қилишиди. Бундан ажабланган украин шарҳловчилари эса “бугун ҳамма жойда, олимпиадада ҳам, ҳаттоқи ҳамиша ҳақиқатлар тантана этадиган Львовда ҳам бокс ҳакамлари ўзбек боксчилига ноҳақлик қилишмоқда”, деб афсус билан таъкидлашди.

Шундай қилиб, Львовдаги мусобақада Арам Фаниян мусобақа ғолиби сифатида эълон қилинди.

Тўлқин РЎЗИЕВ



БАРКАМОЛ АВЛОД

ҚОЗОГИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ:

Кустанай шаҳрида бокс бўйича 2003-2004 йилларда тугилган ёшлар ўртасида ўтказилган ҳалқаро турнирда Ўзбекистон спортчилари 1 тадан олтин ва кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритди. 250 нафарга яқин ёш боксчи иштирок этган турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Диёр Ўролов 86 килограмм оғирликда 1-ўринни, Ривожиддин Йўлдошев 60 кг. вазнда 2-ўринни эгаллаган бўлса, Аҳмаджон Кўзибоев, Ҳусан Турдалиев, Самандар Солижонов ва Сардор Раҳмонбердиев ўз вазнида 3-ўрин соҳиблари бўлишиди.

Ҳар бир бола эътиборда



Болажонларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш биз катталардан улкан маъсулият талаб қиласи. Зеро, ёш авлод тарбияси оиласлар ва давлат учун муҳимдир. Бу эса мактабгача таълим тизими тарбиячи-педагогларининг болажонларга маҳорат билан берган таълим ва тарбиясида ўз аксини топади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотимиз 72 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 67 нафар имконияти чекланган тарбияланувчиларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилган ҳолда таълим ва тарбия ишлари олиб бориляпти.

38 нафар тарбиячи фаолият юритаётган муассаса алоҳида ёрдамга муҳтож болалар учун мўлжалланган ва тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш учун ташкилотимизда барча шароит яратилган.

Таълим ва тарбия ҳамда коррекцион педагогик жараённи ташкил этишда болалар ташхиси эътиборга олинади. Ташкилотимизнинг жисмоний тарбия йўриқчиси Васила Арипова томонидан турли спорт мусобақалари, эстафеталар ўтказилиб келингяпти. Жумладан, «Соғломжон-полвонжон»

мусобақасининг ўтказилиши болажонларнинг спортга бўлган қизиқишини оширяпти. Натижада эса муассаса тарбияланувчиси Бехруз Мирғозилов туманда бўлиб ўтган шахмат мусобақасида фахрли 2-ўринни эгаллади. Тарбияланувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш мақсадида эрталаб ва куннинг иккинчи ярмида мақом мусиқалари эшиттирилиб, Ватан ҳақидаги қўшиқ ва шеърлар ёд олдирилмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида болажонлар учун рассомчилик, компьютердан илк сабоқлар бериляпти. Шунингдек, китобхонлик соатлари ҳам ташкил этилиши билан бир қаторда китоб бурчаклари турли адабиётлар билан бойитиляпти. Бир сўз билан айтганда, имконияти чекланган бўлишига қарамай, ҳаёт ва яшаш, спорт билан шуғулланишга, шеър ва қўшиқлар айтишга ошиқаётган ҳар бир болага бериладиган таълим ва тарбия келгусида ўз самарасини берса, биз ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизни бажарган бўламиз.

Гулчехра МАҲКАМОВА,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур туманидаги
321-MTT директори



Ёзги оромгоҳ болалар билан гавжум

Учтепа туманида жойлашган 295-умумтаълим мактабига борганимизда бу ерда ёз мавсумида ҳам иш қизгинглигининг гувоҳи бўлдик. 2019 йилда ҳалқаро стандартлар асосида тўлиқ реконструкция қилиниб, ишга туширилган 1251 ўринли ушбу мактабни жорий ўқув йилида 1200 нафар ўқувчи яқунлади.

Ўқувчиларнинг 84 нафари 11-синфни тамомлаган бўлса, шулар орасидан Рамзиддин Маматкулов Туркиядаги олий ўқув юртига ўқишига қабул қилинди. Яна бошқа битирувчилар эса ўзларига маъқул бўлган олий ўқув юртларига хужжат топшириди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, умумтаълим мактабига болажонларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида дзюдо, каратэ, мени-футбол, шахмат, шашка, гимнастика тўгараклари йўлга қўйилган.

— Мактабда спортнинг каратэ, дзюдо турлари бўйича кўплаб ютуқларга эришиб келаётган ўқувчиларимиз кўп, — дейди мактаб директорининг Маянвий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳадиҷа Аллаёрова. — Ҳусусан, дзюдо бўйича мусобақаларда фаол иштирок этиб келаётган Жаҳонгир Рўзиқулов, Дилшод Нормаматов, Абдухолиқ Усмонов, Шамшод Абдурашидов, Диёрбек Шокиров, Самойиддин Ҳакимов, Овулбек Шавкатов, Абдуқодир Усмонов каби ўқувчилар номини алоҳида тилга олишимиз мумкин.

Бу ерда ўқувчилар фақат спорт йўналиши билан чегараланиб қолмасдан, фан олимпиадаларида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритиб келишмоқда. Жумладан, мактабнинг 3 нафар ўқувчиси математика, 3 нафар йигит-қиз тарих, 2 нафари эса биология фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг туман босқичида ғолибликни қўлга киритиб, шаҳар босқичига йўлланма олишиди.

Бундан ташқари, ушбу мактаб ўқувчилари туман ва шаҳарлараро ўтказилган кўпгина танловларда ҳам

иштирок этиб, турли хил ютуқ ва сертификатларни қўлга киритяпти.

Бугун мактабда 73 нафар олий маълумотли педагог фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг орасида жонкуяр ўқитувчи, Ҳалқ таълими альочиси Дилрабо Азимованинг ҳам борлиги қувонарли. Д.Азимованинг онлайн мактаб дастури бўйича дарслари телевидение орқали намойиш этиб борилмоқда. Яна бир ўқитувчи Ойсилув Бозорованинг ҳам дарслари туманда оммалаштирилган. Олий тоифали ўқитувчи Мактуба Қодирова каби билимли, ўз устида ишлайдиган педагогларнинг борлиги ва ўз касбига бўлган садоқати боис мактабда таълим ва тарбия ишлари яхши олиб бориллаётir.

Ёзги мавсумида ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида мактабда «Ватанпарварлар» ёзги оромгоҳи ташкил қилинган. Унда болажонлар учун шахмат, шашка, каратэ, гимнастика, қизалоқлар учун алоҳида бичиши-тиши, бисер усулини ўргатиш, пазандачиплик каби тўгараклар фаолият олиб боряпти.

Шу билан бирга рус, инглиз, француз тиллари ва математика бўйича фан тўгараклари ҳам кўплаб ўқувчиларни камраб олган.

Оромгоҳда ўқувчиларга соат 8:00дан 17:00 гача хизмат кўрсатилмоқда. Сермазмун ўтаётган ёз оромгоҳида ҳар бир кун самарали ва мазмунли кечмоқда. Кун давомида ўқувчилар учун маҳал овқатланиш билан бирга бассейнда чўмилиш имконига эга. Шунингдек, ўзлари ёқтирган спорт машғулотлари билан машғул бўлиш орқали жисмонан соғлом, руҳан баркамол бўлиб улфайишмоқда.

Айтиш мумкинки, умумтаълим мактабида олиб борилаётган таълим ва тарбия ишлари замирида келажагимиз бўлган ёшларнинг билим ва савиасини бойитиш каби энг муҳим мақсад туради.

Ноила ТЎРАЕВА,
ЎзМУ Журналистика
факултети талабаси

СҮНГГИ САХИФА

BOLALAR
SPORTI

«BOLALAR SPORTI» ГАЗЕТАСИ ЁШ
ФУТБОЛЧИЛАР, ФУТБОЛГА ИХТИСОСЛАШГАН
БҮСМЛАР ВА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ЁШ
ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА «ЭЛДОР
ШОМУРОДОВ» НОМИДАГИ МУКОФОТ ҚИЗГИН
ПАЛЛАГА КИРГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
ҲОЗИРДА «РОМА» КЛУБИ АЪЗОСИГА АЙЛАНГАН
ЭЛДОРДАН 2-, 3-ЎРИНЛАР УЧУН МАХСУС
ДАСТХАТ ТУШИРИЛГАН ЭСДАЛИК СОВЕЛАЛАРИ
ҲАМДА ОЛИЙ ЎРИНГА «РОМА» ЎЙИНИГА ЧИПТА.
ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Ўйлаймизки, бундай
жамоаларни аниқлашда
бизга Ўзбекистон
Республикаси Туризм ва
спорт вазирлиги ҳамда
Ҳалқ таълими вазирлиги
мутасаддилари беғараз
ёрдам курсатадилар.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА!

INDEX - 615



«BOLALAR SPORTI
GAZETASI»
mas' uliyati cheklangan
jamiyati

БОШ МУҲАРРИР:
Ойбек АБДУРАХМОНОВ

Таҳририят манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

Тел/факс: (0-371) 232-12-03, (+998 97) 755-10-11.

«BOLALAR SPORTI»дан олинган маълумотлардан фойдаланилганда
манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктai назаридан фарқ килиши мумкин.
«BOLALAR SPORTI» оригинал макети.

Босишга топшириш вақти – 20.00. Топширилган вақти – 19:50.

Газета «ШАРҚ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

«BOLALAR SPORTI» газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агент-
лигига 2016 йил 11 майдага 0577 раками билан рўйхатдан ўтган.

Бичими: А-3. Ҳажми: 2 босма табоқ.

Нашр кўрсаткичи: 615.

Буюртма раками: Г-804 Адади: 3 635

Газета хафтанинг сешанба куни чиқади.

Муассис:

«BOLALAR SPORTI GAZETASI» масъулияти чекланган жамияти.

Электрон почта: bolalarsportiuz@umail.uz
bolalarsporti@bk.ru